


ОЧИҚ БЮДЖЕТ АХБОРОТ ПОРТАЛИДА БИРИНЧИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги КҚ-213-IV-сонли Қарори, шу бўйича Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг 2021-йил 11-августдаги Махаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги №VI-30-23-8-118-К/21-сонли қарорларига асосан, 2022 йил “Ташаббусли бюджет” жараёнининг биринчи босқичи учун бугунги кун ҳолатига Узун тумани “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га 5 473,2 млн сўм маблағ йўналтирилиб, “Очиқ бюджет” ахборот порталида бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида: таклифлар беришдан ғолибларни аниқлаш ва ғолиб чиққан лойиҳаларга маблағларни молиялаштириш учун жараён бошланди.

Туманимиз фуқаролари томонидан ҳудуд инфратузулмасини яхшилаш (Ичимлик сув қувурлари тортиш, кўчаларни асфалт қилиш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, таъмирга мухтож ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш, болалар майдончаси, хиёбонлар барпо этиш ва бошқалар) бўйича “Очиқ бюджет” ахборот порталига жами 480 та лойиҳалар киритилди, шундан 311 таси овоз бериш жараёнига ўтказилди.

Жорий йил 5 март кунидан 1 апрел кунигача туманимиз фуқаролари томонидан ўзлари киритган лойиҳаларга овоз берилди, сўнгида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да шаклланган маблағлар доирасида энг кўп овоз тўплаган 10 та лойиҳалар ғолиб топилди, яъни 2272 та овоз билан биринчи ўрин Узун туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабининг моддий техник базасини яхшилаш лойиҳаси (100 млн. сўм), 2164 та овоз билан иккинчи ўрин Узун туман “Янги йўл” маҳалласидаги 14-умумий ўрта таълим мактабини капитал таъмир қилиш лойиҳаси (1 млрд. сўм), 2146 та овоз билан учинчи ўрин тумандаги 23-умумий ўрта таълим мактаби моддий-техник базасини яхшилаш лойиҳаси (200 млн. сўм), 2046 та овоз билан тўртинчи ўрин тумандаги 4-сонли Инглиз тили фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқув парталари олиш лойиҳаси (240 млн. сўм), 1909 та овоз билан бешинчи ўрин Олис ҳудуддаги “Хўжақулсин” маҳалласига борувчи 14 км йўлни сошлаб қум-тош тўкиш лойиҳаси (950 млн. сўм), 1899 та овоз билан олтинчи ўрин тумандаги 38-умумий ўрта таълим мактабига замонавий кутубхона қуриш лойиҳаси (400 млн. сўм), 1895 та овоз билан еттинчи ўрин тумандаги “Иттифоқ” маҳалласи Мустақиллик кўчасини асфалт қилиш лойиҳаси (550 млн. сўм), 1876 та овоз билан саккизинчи ўрин тумандаги “Меҳнат” маҳалласи Сурхонбоши қишлоғи ички йўллари асфалт қилиш лойиҳаси (966 млн. сўм), 1859 та овоз билан тўққизинчи ўрин тумандаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларини жорий таъмирлаш лойиҳаси (600 млн. сўм) ва охириги ўнинчи ўрин 1787 та овоз тўплаган ҳолда тумандаги “Хатиб қахрамон” маҳалласи Иқбол ҳамда Узумзор кўчалари асфалт қилиш лойиҳаси (600 млн. сўм) ғолиб деб топилди.

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг 2022 йил 25 апрел кунигаги VI-42-46-

8-118-Қ/22-сонли асосан Узун тумани бўйича 2022 йил март ойида ўтказилган биринчи босқич жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни кўриб чиқиш ва молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ҳозирда, мазкур лойиҳалар ижроси юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва тегишли экспертизадан ўтказиш ишлари бошлаб юборилган бўлиб, жараёнлар туман прокуратураси, туман молия бўлими ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳлар томонидан алоҳида назоратга олинган.

Узун туман Молия бўлими Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва бюджет муассасаларини молиявий таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари: И.Худаяров